
Болажонлар учун байрам совғалари тақдим этилди

Янги йил — нафақат болалар, ҳатто катталар ҳам ниятлари ижобат бўлишига ишонадиган эртақмонанд байрам. Лекин у айниқса болажонларга катта қувонч улашади. Ахир бу кунда улар болалик аталмиш эртақнинг бош қаҳрамони — Қорбобо билан учрашади-да!

Айнан ана шундай эртақмонанд байрам кунлари арафасида болажонларнинг Янги йил байрами тантаналарининг янада мазмунли ва қизиқарли ўтказилиши учун Риштон туманидаги 1-сонли касб-ҳунар мактаби жамоаси ҳам ўз муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Бугун 1-сонли касб-ҳунар мактаби жамоаси томонидан болалар боғчаси тарбияланувчилари учун байрам совғалари тақдим этилди. Бу совғалар айниқса, Янги йилни орзиқиб кутадиган беғубор қалб эгалари бўлмиш болажонларга чексиз қувонч бағишлади.

2021-12-28 15:14:48